

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Тожалиев	
Инновацион ривожланиш – жамиятнинг янги тараққиёт босқичида мұхим омил	66
АДАБИЁТШУНОСЛИК	
Н.Каримов	
Исҳоқон Ибрат: янги маълумотлар.....	69
Ҳ.Худоймуродова	
“Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти”да биографик метод.....	74
О.Абобакирова	
Ўзбек болалар ҳикоячилигининг услугубий хусусиятлари	77
ТИЛШУНОСЛИК	
М.Ҳакимов, М.Фозиева	
Овоз тембрининг функционал хусусиятлари.....	81
Р.Шукров, Г.Жўрабоева	
Исҳоқон Ибратнинг «Фарғона тарихи» асарида водий топонимлари таҳлили	87
О.Бегимов	
Қўшма таркибли оронимларнинг ясалишига доир	92
ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ	
Л.Ахмедова	
Инновацион таълим технологиялари орқали олийгоҳ талабаларини инглиз тилида сўзлашга ўргатиш	96
Ж.Жалолов	
Чет тили ўқитиш мазмунини тайёрлаш ва ўргатиш методикаси (методологик нуқтаи назар).....	101
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
А. Ўринов, Г.Собиржонова	
Функция ҳосиласининг тенгламалар ечишга татбиқи.....	105
Д.Орипов	
Каср тартибли оддий дифференциал тенглама учун локал ва нолокал шартли чегаравий масала ҳақида	108
Н.Тўхтасинова	
Псевдоқавариқ соҳалар ва уларнинг хоссалари	111
Ф.Исматуллаев, С.Ахмедова	
Ўзбекистон – Италия ҳамкорлигининг айrim масалалари	113
М.Усманов	
Фуқаролик жамиятининг маданий ва гуманитар жабҳалари.....	115
М. Раджабова	
Фарғона вилояти шаҳарларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи (1917 – 1924 йиллар)	118
Б.Бахриддинова	
Билвосита ва бевосита таржимада реалиялар	121
З.Жўраева, Н.Ўсарова, Н.Дўлтаева	
Салиҳ Бишакчи томонидан Абдурауф Фитрат асарларининг қиёсий таҳлили	124
И.Хожалиев, И.Аҳмаджонов	
Термин ва талқин муаммосига доир	127
Б.Қурбонова, З.Каримова	
Ўзбек ва қыргиз тиллари лексикасида макон семали лексемаларнинг ифодаланиши	130
Г.Икромова	
Шароф Бошбеков драмаларининг айrim фонетик хусусиятлари	132
ФАНИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ	
Ўзбек тилшунослигининг фозил сиймоси	135
БИБЛИОГРАФИЯ	
Библиография	137

УДК:610+614.212

**ФАРГОНА ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИДА АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ
АҲВОЛИ
(1917 – 1924 йиллар)**

М. Раджабова

Аннотация

Мақолада Фарғона вилояти шаҳарлари аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишнинг ҳолати, мавжуд муаммолар ёритилган.

Аннотация

В статье освещаются состояние и имевшие место проблемы в медицинском обслуживании населения городов Ферганской области.

Annotation

This article dedicated the state and the problems that have taken place in the medical care of the population of cities of the Ferghana region.

Таянч сўз ва иборалар: шўро, санитария-гигиена, амбулатория, чечак, терапия, доя.

Ключевые слова и выражения: совет, санитария-гигиена, амбулатория, ветрянка, терапия, повитуха.

Key words and phrases: council, sanitation-hygiene, ambulatory, chickenpox, therapy, midwife.

Россиядаги 1917 йил октябрь ойида юз берган давлат тўнташидан кейинги дастлабки йиллар ҳарбий-сиёсий кураш шароитида мамлакатнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Фарғона вилояти шаҳарлари ҳаётида ҳам оғир давр бўлган. Юзага келган иқтисодий танглик ҳалқ турмуш даражасининг пасайишига ва аҳоли ўртасида турли юқумли касалликларнинг кўпайишига олиб келади. Аҳоли ўртасида санитария-гигиена қоидалари ва соғлом турмуш тарзига риоя қилмаслик, тиббий маданиятнинг етишмаслиги касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш ишларининг пасайишига сабаб бўлган. Аҳоли ўртасида турли хил касалликларнинг кўпайишига касалхона ва шифокорларнинг етишмаслиги ҳам сабаб бўлган. 1917 йил Ўзбекистон ҳудудида жами 128 нафар мутахассис-шифокор бўлиб, Фарғона вилоятида эса ўртача 50 000 кишига 1 та шифокор тўғри келган [1,92]. Бундай ачинарли ҳолат гарчи Чор Россияси давридан мерос бўлиб қолган бўлса-да, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги юзага келган ҳолат вазиятнинг янада мураккаблашишига сабаб бўлган.

1918 йили М.Фаниев бошлилигига Наманган уезди соғлиқни саклаш бўлими ташкил этилиши бу ердаги тиббий хизматни бир қадар йўлга қўйилишига сабаб бўлган. Шаҳар касалхонаси қайта кўриб чиқилиб, ундаги 60 ўрин эркакларга, 30 ўрин аёлларга, яна 30 ўрин юқумли касалликларга чалингларга ажратилган. Тиббий-стационар хизмат йўлга

қўйилиб, 1 та эркаклар амбулаторияси очилган [2]. Афтидан булар шаҳарда яшовчи русийзабон аҳоли учун эди. Чунки айни пайтда шаҳарнинг маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмида ҳам даволаш маркази очилиб, у ерга 27 нафар бемор жойлаштирилган. Мавжуд шифохоналарда ётоқ ўринлар сони ва тиббиёт ходимлар етишмаслиги сабабли юқумли касалликка чалинган 12 нафар маҳаллий аҳоли вакиллари ўз уйларида даволанишга мажбур бўлган. Шаҳарда тарқалган “ўлат” туфайли касалликка чалинган беморларнинг 50 фоизи вафот этганлиги таъкидланади [3,93]. 1919 йилдан бошлаб турли юқумли касалликларни олдини олиш учун аҳоли ўртасида эмлаш ишлари бошланади. Наманган шаҳрида ҳам шу мақсадда “чечак” касаллигига қарши эмлаш гуруҳлари ташкил этилади. Бироқ тиббиёт ходимларини етишмаслиги туфайли эмлаш ишлари қийинчилик билан амалга оширилган.

1923 йил Наманган шаҳрида атиги 2 та касалхона мажуд бўлиб, уларнинг ҳар бири 50 тадан ўринга эга бўлган. Уларда 36 нафар тиббиёт ходимлари бўлиб, йилига ўртача 944 нафар бемор даволанган. Шаҳардаги амбулаторияда 18 та штат бирлиги мавжуд бўлиб, уларнинг 9 нафари тиббиёт ходими эди. Амбулатория йилига ўртача 32.156 нафар беморга тиббий хизмат кўрсатган.

1923 йилнинг ўрталарида келиб Наманган шаҳрида касалхоналар сони

М. Раджабова – ФарДУ 2-босқич магистранти.

биттага күпайиб, улар терапия, жаррохлик ва юкумли касалликлар бўлимларидан иборат бўлган. Касалхоналардаги терапия ва жаррохлик бўлимларида 50 та, юкумли касалликлар бўлимида 30 та ўринга мўлжалланган эди. [4,55-56]. Бундан ташқари, шаҳарда иккита амбулатория ташкил этилиб, биринчиси умумий, иккинчиси эса маҳаллий аёлларга хизмат қилган. Шаҳардаги амбулатория 1923 йилнинг май ойида 920, маҳаллий амбулатория эса 428 нафар беморни қабул қилган. Шаҳардаги мавжуд касалхоналарда шароит қийин бўлишига қарамасдан, аҳолига имконият даражасида тиббий хизмат кўрсатилган.

1924 йил Наманган уезди худудида 6 касалхона, 9 амбулатория, 2 та аёллар ва 3 та болалар бўлимлари, 12 та фельдшерлик пункти ҳамда 4 та безгакка қарши станция очилган [5,92]. Шаҳарда эса 60 ўринли касалхона, 2 та амбулатория бўлиб, у ерда 4 нафар шифокор, 1 нафар тиш шифокори, ва 6 нафар акушергинеколог (доя) фаолият кўрсатган. Шунингдек, 20 ўринли юкумли касалликлар касалхонаси, шаҳар амбулаторияси, тиш амбулаторияси бўлган. 1924 йилда Наманган шаҳар Соғлиқни сақлаш бўлими ташкил этилиб, унга П.Абдуқодиров раҳбар этиб тайинланган. Бу эса шаҳарда тиббий хизматнинг, бироз бўлса-да, тизимли тартибда йўлга қўйилишига сабаб бўлган.

Айтиб ўтилган даврда водийнинг бошқа худудларида ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тахминан Намангандаги шароитдан фарқ қилмасди. Масалан, 1918 йил Скобелев (Фарғона) шаҳрида 60 ўринли аёллар ва болалар касалхонаси, Эски Марғилонда эса маҳаллий аёл ва болалар учун 10 ўринли касалхона хизмат кўрсатган [6,165]. 1920 йил Скобелевнинг эски шаҳар қисмида аёллар учун унчалик катта бўлмаган бир касалхона фаолият кўрсатган. Шу иили яна бир туғруқхона ва янги туғилган чақалоқлар учун “Сут томчилари” бўлимини очишга ҳаракат қилинди. Аммо ушбу учун тегишли бино топилмаганлиги сабабли режа амалга ошмай қолган.

1923 йил Фарғона шаҳридаги касалхона атиги 40 ўринга мўлжалланган бўлиб, улардан 20 таси юкумли, 20 таси эса оддий касалликлар билан оғриган беморлар учун эди. Шаҳар касалхонасида 64 нафар

ходим фаолият кўрсатган бўлиб, уларнинг 2 нафари шифокор, 2 нафари доя, 25 нафари ёрдамчи ходимлардан иборат эди [7,74]. Касалхонада кунига ўртача яна 40 га яқин бемор стационар тарзда даволанган. Шунингдек, касалхона қошида амбулатория ва тиш шифокори хонаси бўлиб, уларда кунига 30-40 нафаргача бемор даволанган. Бироқ, касалхонада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва тиббий жиҳозлар билан таъминланиш даражаси қониқарли бўлмаган. Беморлар учун зарур булган ётоқ ўринлари, дори-дармонлар этишмаган, иссиқ овқатлар умумий қозонда тайёрланар эди. Касалхона учун вилоят соғлиқни сақлаш бўлими томонидан ажратилган маблағ етарли эмасди. Касалхона биноси ҳам таъминалаб эди. Иситиш печлари ишламас, электр энергияси ва сув билан таъминланиш ҳолати аянчли ҳолатда эди.

Марғилон шаҳар касалхонаси ҳам 15 ўриндан иборат бўлиб, алоҳида бўлимларга ажратилмаган эди. Уларнинг 5 таси аёллар ва болалар учун эди. Бутун Марғилон шаҳри аҳолиси учун атиги битта шифокор хизмат қилган.

XX аср бошида Қўқоннинг янги шаҳар қисмида 2 та касалхона ва 1 та амбулатория бўлиб, унда 4 нафар шифокор ишлаган. 1921 йилда шаҳарнинг эски қисмида ҳам 2 та касалхона ва амбулатория бўлиб, у ерда 2 нафар шифокор хизмат қилган. 1924 йил Қўқон шаҳрида 90 ўринли касалхона қурилиб, унда жаррохлик, терапия, гинекология ва кўз касаллиги бўлими ташкил этилган.

1922 йил Фарғона вилоятида тарқалган турли юкумли касалликларни олдини олиш мақсадида Скобелев, Наманган ва Ўш шаҳарларида юкумли касалликларга қарши кураш бўйича маҳсус комиссия тузилган. Қўқон шаҳрида 300 ўринли, Скоблевда 100 ўринли, Андижон шаҳрида 40 ўринли, Наманган шаҳрида 30 ўринли ва Ўш шаҳрида 25 ўринли юкумли касалликлар учун шифохоналар ташкил этилган [8,51].

1923 йил Фарғона вилояти шаҳарларида 512 ўринли 12 та касалхона, 142 ўринли 7 та участка касалхонаси, 11 та амбулатория, 1 та шифокор амбулатория пункти, 14 та фельдшерлик амбулатория пункти ҳамда 1 та тез тиббий хизмат пункти аҳолига хизмат кўрсатган.

Кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан Фарғона вилояти аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси пастлигича қолаверган. Бунинг сабаблари, биринчидан, аҳолининг тиббий хизмат кўрсатиш соҳасига кўникмасининг йўқлиги, етарли даражада касалхоналарнинг мавжуд эмаслиги, мавжуд касалхоналардаги моддий-техника базасининг етарли эмаслиги ва ниҳоят тиббий хизмат асосан ҳудудларнинг русийзабон аҳоли яшайдиган ҳудудлар учун ташкил этилганлиги эди. Шу билан биргалиқда, шаҳарларда моддий этишмовчилик, иқтисодий танглик оқибатида турли юқумли касалликлар авж олиб, аҳоли

ўртасида санитария-гигиена қоидалари, соғлом турмуш тарзи, тиббий маданиятни тарғиб этиш, касалликларни ўз вақтида даволаш ишлари эътибордан четда қолди. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда молиявий этишмовчилик, тиббий анжом ва ускуналарнинг этишмаслиги, малакали мутахассислар йўқлиги, дори-дармон тақчиллиги ўша даврнинг энг катта муаммоларидан эди. Бундай муаммолар, яшаш ва меҳнат қилиш шароитининг оғирлиги туфайли аҳоли ўртасида турли юқумли касалликларнинг кўпайишига олиб келган.

Адабиётлар:

1. Узбекистан за 15 лет. Статистический сборник. – Т.: Узбекистан, 1981.
2. ЎзР МДА, Р.40-фонд, 1-рўйхат, 137-иш, 399-варақ.
3. Узбекистан за 15 лет. Статистический сборник. – Т.: Узбекистан, 1981.
4. Мўминова Г. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими тарихи (1917–1991 йиллар). – Т.: Yangi nashr, 2015 –
5. Рўзибоев Т. Ҳожимуродов М. Наманганская область – Т.: Узбекистан, 1981.
6. Набиев Ф.Х. Проблемы и противоречие социальной политики в Туркестане (1917-1924 гг.). Дисс...док. ист. наук. – Т., 1995.
7. Алиев М.М. Роль русских врачей в развитии здравоохранения в Ферганской долине // Советское здравоохранение. -М.: Медицина, 1986. - №9.
8. Умаралиев А.М. Из истории строительства социальной культуры в Ферганской долине. –Т.: Фан, 1977 –

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)